

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚЎЛДОШЕВ ҚАМАРИДДИН МАНСУРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗARO СУҒУРТАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора экономических наук
(DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Science (D.Sc) on
economical sciences**

Қўлдошев Қамариддин Мансурович Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш.....	3
Кулдашев Қамариддин Мансурович Совершенствование методологических основ взаимного страхования в Узбекистане.....	36
Kuldashev Kamariddin Mansurovich Perfection methodological basis mutual insurance in Uzbekistan.....	68
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	72

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚЎЛДОШЕВ ҚАМАРИДДИН МАНСУРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗАРО СУҒУРТАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон
Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссиясида _____ рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме))
Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида
(www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамидулин Михаил Борисович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги
илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил
“___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шох кўчаси 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48,
e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин
(_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000 Амир Темур шох кўчаси 60А
уй. Тел.: (99871) 234-53-34)

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ кун тарқатилди.

(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Э.Тошмуродова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари
номзоди, доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Суғурта фаолияти тадбиркорлик таваккалчилиги оқибатларини, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиши, ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлаши ҳамда иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш учун сезиларли манбаларни шакллантириши, инвестиция рискларини юмшатиши билан ажралиб туради. Хорижий мамлакатларнинг ривожланган суғурта бозорлари халқаро суғурта бозорининг қисми сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга у хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланиб, унинг ҳиссаси ялпи ички маҳсулотнинг 8-12 фоизини ташкил этмоқда. Кўплаб ахборот ва статистик хусусиятдаги маълумотларга кўра, суғурта соҳаси ривожланган мамлакатларда суғуртанинг муқобил шакллари амал қилмоқда. Суғурта соҳаси ўзининг ривожланган даражасида иқтисодиётнинг базавий тизимларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай даражага эришишда суғуртани ташкил қилишнинг иккита асосий шакли амал қилиши муҳим ҳисобланади. Булар: тижоратга асосланган суғурта ва ўзаро суғурта шакллари дур. Ўзаро суғурта дунёнинг ривожланган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатларида катта ҳажмдаги суғурта хизматларини амалга оширмоқда. Ҳозирда фақат йирик ўзаро суғурталаш жамиятлари (ЎСЖ) сони “Шимолий Америкада 219 та, Европада 207 та, Осиё ва Океанияда 59 та, Лотин Америкасида 9 та ва Африкада 6 тани ташкил этмоқда”.¹ Шу билан бирга, “кейинги йилларда кўпгина мусулмон мамлакатларида ҳамда Америка ва Европа мамлакатларида ўзаро суғуртанинг модификациялашган шакли – такафул-суғурта (исломий суғурта) сезиларли даражада ривожланмоқда”.²

Дунё миқёсида глобализация жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда, ушбу жараёнга кириб бораётган мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш давом этаётган ва айниқса тадбиркорлик фаолияти кўлами кескин даражада ошиб бораётган ҳолатда, суғурта хизматларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Бу албатта, ўз навбатида, суғурта фаолияти ва суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, суғурталашнинг янгича шаклларини амалга киритишни тақозо этади. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган жуда кўплаб тадбирлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларга қарамасдан, мамлакатимизда суғурта соҳаси ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлана олмаяпти. Кўп сондаги потенциал суғурталанувчиларда мавжуд рисклар суғурталанмай қолмоқда. Суғурта иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Ушбу ҳолат мазкур соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилишни талаб этади.

¹ ICMIFнинг www.icmif.org сайти маълумотлари

² Engku Rabian Adawiah Engku Ali, Hassan Skott P.Odierno, Essential Guide to Takaful (Islamic Insurance). //CERT Publication Sdn. Bhd. – Kuala Lumpur, Malaysia.2008.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда халқаро суғурта бозорларида мустақкам ўрин эгаллашига эришиш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Республика иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида бугунги кунда юз бераётган ижобий ўзгаришлар иқтисодиёт молия тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлган суғурта соҳасининг роли ошиб бориши учун объектив шарт-шароитларни яратмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатларда “...суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”³ асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда суғурта соҳасини янги ривожланиш босқичига кўтаришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш долзарблик касб этади. Бу борада суғуртанинг алоҳида шакли ҳисобланган ўзаро суғуртани шакллантириш мазкур муаммонинг ечимларидан бири эканлиги кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда ўзаро суғурта халқаро даражага кўтарилган. Ўзаро суғурта барча саноати ривожланган мамлакатларда муҳим ўринга эга. ЎСЖлар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари дунёнинг йирик суғурта бозорларида 42 фоиздан 70 фоизгачани ташкил этмоқда. Ҳозирги замон чет эл суғурта тизимларида (Европа, Америка, Японияда) бир қанча йўналишлар бўйича ўзаро суғурта етакчилик қилмоқда (айниқса ҳаёт суғуртаси ва нафақа суғуртасида). Ўзаро суғурта тўғрисидаги мазкур ҳолатлар Ўзбекистонда ўзаро суғурта фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 апрелдаги П-5464-сонли “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли “Кафолат” суғурта компанияси акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг 30.05.2017 йилдаги №1 йиғилиш баённомаси билан “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш бўйича комиссиянинг ташкил этилиши ва шу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, 2017 й. 7 февраль

I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Суғурта соҳасининг ва хусусан ўзаро суғурталаш жамиятларининг барқарорлигини таъминлаш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, суғурта соҳасини халқаро даражада мувофиқлаштириб боровчи халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг суғурта назоратини амалга оширувчи ташкилотлари, етакчи халқаро рейтинг агентликлари, суғурта компаниялари, жумладан, Standard&Poor’s - Халқаро рейтинг агентлиги (Development Research Group), Европа ўзаро суғурталаш компаниялари ва суғурта кооперативлари ассоциацияси – AMICE (Association of Mutual Insurers and insurance Cooperatives in Europe), Ўзаро суғурта жамиятларининг халқаро ассоциацияси – AISAM (“Association Internationale des sociétés Assurance Mutuelle” (International association of mutual insurance companies)), Суғурта назоратчилари халқаро ассоциацияси (Международная Ассоциация Страховых Надзоров – MACH, IAIS-International Organization of Insurance Supervisors), Молиявий барқарорлик кенгаши - FSB (Financial Stability Board), Кооперативлар ва ўзаро суғурталаш жамиятлари халқаро федерацияси - (International Cooperative and Mutual Insurance Federation - ICMIF), Суғурта тадқиқотлари халқаро ассоциацияси (ISSA) каби халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда.

Жумладан: суғурта тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: суғурта компаниялари фаолиятидаги тизимли аҳамиятга эга кўрсаткичлар билан молиявий коэффициентлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳолатлари аниқланган (Standard&Poor’s), депозитларни суғурталаш орқали банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологияси такомиллаштирилган (Kunt and Detragiache, Development Research Group); Европанинг 63 та ЎСЖ ва 52 та акционер суғурта компанияларида 1995-2014 йиллар оралиғи учун уларнинг фаолият натижалари бўйича тадқиқот ўтказилиб, молиявий барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларнинг хусусиятлари аниқланган ва уни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (АСМЕ), суғурта компаниялари фаолиятини бирламчи баҳолаш усули ишлаб чиқилган (AISAM), суғурта компаниялари детерминантларининг тизимли аҳамиятга эгаллигини баҳолаш бўйича тадқиқот амалга оширилган ва баҳолаш усули ишлаб чиқилган (IAIS), 9та йирик суғурта компанияларининг 2011 йил молиявий ҳисоботлари бўйича тизимли аҳамиятга эга кўрсаткичлар IAIS методологияси бўйича таҳлил этилган ва таҳлил усуллари таклиф этилган (FSB), “CAMELS” рейтинг тизими асосий компонентлари асосида ЎСЖлар барқарорлигига баҳо бериш методологияси ишлаб чиқилган (ICMIF), Ўзаро суғурталаш жамиятларида капитал етарлилиги минимал талаблари ишлаб чиқилган (ISSA).

Дунё миқёсида суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг илмий-

назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда: суғурта тизимини ташкил этувчи институтлар ва уларнинг барқарор фаолият юритиш асослари, суғурта тизими барқарорлигини таъминлашда суғурта хизматлари сифатини оширишни такомиллаштириш, суғурта ташкилотлари тўловга қобиллигини таъминлашда актуар хизматларнинг алоқадорлиги, суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари мавзуларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича бир қанча чет эллик олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Булар сифатида А.Манэс, Д.Бланд, В.В.Шахов, В.И.Рябкин, Т.А.Федорова Т.А.Меребашвили, Д.С.Лопаткин, В.А.Зеленчук, Е.И.Ивашкин, М.Л.Бурлакова, А.А.Алексеев, А.Л.Лелчук, А.А.Гвозденко, В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин, И.В.Логвинова, Р.Т.Юлдашев, К.Г.Воблый, К.Е.Турбина, В.Н.Дадьков, Ю.В.Пинкин, М.Н.Куликова, В.М.Бартош, А.Н.Рябчиков, С.Г.Скакун ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин⁴.

⁴Манэс А. Основы страхового дела. М., 2010. С. 105, D.Bland Insurance:Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute 1993, перевод на русский язык 1998, 39-41 стр., М.Л.Бурлакова Развитие взаимного страхования в России, диссертация на соискание к.э.н., Иркутск 2005, В.В.Шахов Страхование учебник Москва ЮНИТИ 2004 125 стр., под.ред. В.И.Рябкина Страхование Москва Экономист 2006 205 стр., под.ред.проф.Т.А.Федоровой Страхование Москва Магистр 2008, 147 стр. Т.А. Меребашвили Материальные и процессуальные вопросы взаимного страхования ответственности судовладельцев, диссертация на соискание к.ю.н., Д.С. Лопаткин Развитие взаимного страхования в сфере туризма, диссертация на соискание к.э.н., Москва 2014, В.А. Зеленчук Совершенствование взаимного страхования от несчастного случая в предпринимательской деятельности, диссертация на соискание к.э.н., Москва 2013, Е.И. Ивашкин Взаимное страхование в условиях реформирования экономики, диссертация на соискание д.э.н., Москва 2000, А.А.Алексеев Страхование Ростов-на-Дону Феникс 2008 302 стр., А.Л.Лелчук Страхование жизни Москва Анкил 2010 23 стр., А.А.Гвозденко Основы страхования Москва Финансы и статистика 1999 223 стр. Ред.кол.В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин Страховой портфель Москва СОМИНТЕК 1994 9 стр. И.В.Логвинова Взаимное страхование как метод создания страховых продуктов в Российской экономике, Диссертация на соискание д.э.н. Москва 2011. Р.Т.Юлдашев Очерки теории страхования: ретроспективный анализ развития. Москва Анкил, 2009, 89 стр. К.Г.Воблый Основы экономики страхования, Москва, Анкил 1993, 14-15 стр. К.Е.Турбина, В.Н.Дадьков Взаимное страхование, Москва, Анкил, 2007г., Ю.В.Пинкин Справочник страховщика, Ростов на- Дону, Феникс 2007, 91-127 стр. М.Н.Куликова Обязательное взаимное страхование строений от пожара в России, диссертация на соискание к.э.н. Москва 2005, В.М.Бартош Взаимное страхование по Российскому праву. Диссертация на соискаине к.ю.н. Москва 2005, А.Н.Рябчиков Направление развития взаимного страхования в регионе. Диссертация на соискание к.э.н. Екатеринбург 2010, С.Г.Скакун Взаимное страхование в системе современного мирового страхового хозяйства, диссертация на соискание к.э.н. Москва 2009.

⁴ Гуломов С.С., Боев Ҳ.И., Боева Ж. Валюта, кредит, молия ва суғурта муаммолари. Т.: Меҳнат 1998, 116 б., Ашрафханов Б., Мирсадиқов М. Развитие страхового законодательства республики Узбекистан//Рынок, деньги и кредит, 2002, №11, Хусанов Р.Ҳ., Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими Т.:Янги аср авлоди-2005 79 б., Шеннаев Х. Суғурта агентлари учун қўлланма. Т.:infoCOM.UZMЧЖ 2010 й. 205 б., Имомов У. Ўзбекистон суғурта компаниялари ва тижорат банклари ўзаро алоқалари механизмларини такомиллаштириш йўллари//Молия, 2017, №5, Ш.Джанадилов Суғурта компаниялари рақобатбардошлигини оширишда ахборот оқимларини оптимал ташкил қилиш усуллари// Молия, 2014, №5, Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан, автореферат дисс. на соискание к.э.н., Т.: Институт экономики АН РУз-2003, Боймуротов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати, Т.: Давлат ва жамият қурилиши академияси-2004, Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: БМА, 2007, Абдурахмонов И.Х.

Мамлакатимиз олимлари томонидан суғурта соҳасининг турли жиҳатлари ўрганилган ва ўрганиш натижалари уларнинг асарларида ўз аксини топган. Булар сифатида С.Ғуломов, Ҳ.Боев, Ҳ.Собиров, Ашрафханов Б., Мирсадиков М., Р.Х.Ҳусанов, Х.Шеннаев, У.Имомов, Ш.Джанадиллов ва бошқаларни таъкидлаб ўтиш мумкин⁵. Бундан ташқари бир қанча олим ва мутахассислар томонидан ушбу соҳага бағишланган номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Булар М.Асқарова, Т.Боймуротов, А.Нуруллаев, И.Абдурахмонов, И.Кенжаев, Г.Халиқулова ва бошқалардир.

Аммо улар томонидан ўзаро суғурталаш фаолияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент молия институтининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур тадқиқот комплекс хусусиятга эга бўлиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларига бўлган талабни зарур даражада таъминлашда ўзаро суғуртанинг ўрнини асослаш, ушбу фаолиятнинг афзалликларини кўрсатиб бериш, ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш ва амал қилиш методологиясини ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

Ўзбекистонда суғурта соҳасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида унинг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш;

суғурта институтини иқтисодиётнинг базавий тизимларидан бири сифатида намоён бўлишида тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш;

суғуртанинг муқобил шакли сифатида ўзаро суғуртанинг юзага келиши ва тараққиётини ўрганиш;

ўзаро суғуртанинг моҳиятини, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тижорат суғуртасидан фарқли ҳамда афзаллик жиҳатларини аниқлаш;

мамлакатимизда ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўзаро суғурталаш фаолияти узоқ йиллардан бери самарали қўлланиб келаётган чет мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: БМА, 2010, Кенжаев И.Ғ. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019, Халиқулова Г. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т.: ТМИ, 2019

қишлоқ хўжалиги суғуртасини ташкил этишда ўзаро суғуртани қўллаш масалаларини тадқиқ қилиш ва афзалликларини аниқлаш;

бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда ўзаро суғурта усулларини қўллаш бўйича таҳлиллар олиб бориш;

ўзаро суғуртанинг модификациялашган шакли сифатидаги такафул-суғуртанинг моҳияти ва ўзига хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, унинг ислом мамлакатларидаги ҳолатини ўрганиш ва Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикасининг миллий суғурта бозори ва ушбу бозор субъектлари, суғурталанувчи ва потенциал суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар, чет мамлакатларнинг ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳамда ўзаро суғурта фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилотлар тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистон Республикасининг суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчи ва потенциал суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар, чет мамлакатларнинг ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий муносабатлар, ўзаро суғуртани ташкил этиш ва амал қилиш методологияси, суғурта ва ўзаро суғуртага оид ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-математик ва иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзаро суғурта фаолияти ихтиёрий бадаллар ҳисобидан ташкил этилиши ва улардан шакллантириладиган инвестиция маблағлари доимий даромад олиш имконини бериши асосланган;

тижорат суғуртасида огоҳлантириш тадбирларини йирик суғурта объектлари бўйича тизимли йўлга қўйиш имконияти аниқланган ва ушбу тадбирлар суғурта ҳодисаларининг камайишига олиб келиши асосланган;

қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ таваккалчиликларни ўзаро суғурта орқали суғурталашнинг манфаатлар умумийлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги ва ҳудудий бирлик принциплари ишлаб чиқилган ва шу асосда суғуртани йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалигини арзон ва ишончли суғурта хизматлари билан таъминлаш таклиф этилган;

кептив ўзаро суғурта усулларини концерн, холдинг, корпорациялар, компаниялар ва бирлашмалар таркибига кирувчи тузилмалар ўртасида қўллаш таклиф этилган;

врачлар касбий жавобгарлиги суғуртасини ўзаро суғурта жамиятлари ва тижорат суғурта ташкилотларига жорий этишда кўтарилувчи ва пасаювчи коэффициентларни қўллаш механизми ишлаб чиқилган;

Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш босқичида бирламчи

фондни шакллантиришнинг пай-бадал ҳамда имтиёзли кредит усуллари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўзаро суғурта соҳасининг ҳуқуқий таъминоти етарли даражада эмаслиги ҳамда мавжуд қонунчиликдаги камчиликлар аниқланган ва шу бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

ўзаро суғуртанинг келиб чиқиши ва ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, жаҳоннинг кўпгина миллий ва халқаро суғурта бозорларида суғурта хизматларининг катта қисми ўзаро суғурта жамиятлари томонидан амалга оширилаётганлиги аниқланган;

ўзаро суғуртанинг тижорат суғуртасидан афзаллик жиҳатлари аниқланган ва ушбу хусусиятлар Ўзбекистонда ўзаро суғуртанинг оммавийлашуви, шу асосда аҳолини суғурта хизматлари билан кенгрок камраб олиш имконини бериши асосланган;

умумий белгиларидан келиб чиққан ҳолда, ўзаро суғурталаш жамиятларини турлари бўйича классификациялаш амалга оширилган;

Ўзбекистонда ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш принциплари ишлаб чиқилган;

ўзаро суғуртада “Огоҳлантириш ва олдини олиш заҳираси”ни ташкил этиш ва уни мажбурий заҳира сифатида шакллантириш суғурта ходисаларининг камайишига ва Ўзаро суғурта жамияти молиявий барқарорлигининг ошишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг аниқлигини таъминлаб берувчи меъерий-ҳуқуқий база сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг расмий эълон қилинган маълумотлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари; халқаро ташкилотларнинг нашрдаги расмий маълумотлари, суғурта компанияларининг ҳисоботлари, Internet тармоғида тақдим этилган маълумотлар, шунингдек изланувчининг шахсий тадқиқот маълумотларидан ташкил топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган назарий хулосалар ва улар асосида шакллантирилган амалий таклифлар мамлакатда ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини яратиш ва такомиллаштиришда фойдаланилади ва бу ўз ўрнида фуқаролар, корхона ва ташкилотларни суғуртанинг мамлакат учун янги шакли орқали самарали суғурта ҳимояси билан тўлиқрок камраб олишга ёрдам беради, бу борадаги давлат молиявий харажатларини камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида диссертант томонидан таклиф этилган, ўзаро суғурта соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар амалиётга татбиқ қилиш учун Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган (Молия вазирлигининг

2019 йил 5 мартдаги №СА/16-02-32-20/243 сонли хати), “Ўзаро суғурта фаолияти тўғрисида” қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, тегишли қонунларга ва қонуности ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасининг “Йўл харитаси”га киритилган (Молия вазирлигининг 2019 йил 5 мартдаги №АК/16-37/674 сонли хати);

тижорат суғурта ташкилотларида суғурталанган йирик суғурта объектларида тизимли равишда огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги таклиф “ALSKOM” суғурта компанияси ва “Gross insurance” суғурта компанияси томонидан амалиётга татбиқ қилинган (“ALSKOM” суғурта компаниясининг 2019 йил 22 майдаги №03-818 сонли хати ҳамда “Gross insurance” МЧЖ суғурта компаниясининг 2019 йил 5-январда берилган №01/16 сонли маълумотнома). Мазкур таклиф амалда қўлланилиши натижасида “ALSKOM” суғурта компаниясида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 6907 тага камайган, “Gross insurance” суғурта компаниясида 2018 йилнинг 11 ойи давомида ўтган йилга нисбатан суғурта ҳодисалари сони 150 тага камайган ва натижада суғурта қопламалари учун тўланган пул маблағлари ўртача 1 млрд. 200 млн. сўмга камайган;

қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ таваккалчиликларни ўзаро суғурта воситасида суғурталаш бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий модель Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда “Адолат” СДП томонидан маъқулланган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2019 йил 15 мартдаги №01/03-709 сонли маълумотномаси, ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП сиёсий кенгашининг 2019 йил 13 мартдаги №01-03/91 сонли далолатномаси);

суғурта бозорининг етарли даражада ривожланмай қолаётганлиги билан боғлиқ ҳолатлар ва уларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида кептив суғуртани амалга оширишда ўзаро суғурта усуллари кўллаш бўйича таклифлар Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари Ассоциацияси томонидан амалиётда қўлланилмоқда (Ассоциациянинг 2019 й. 2 майдаги №52-а сонли маълумотномаси, унга кўра берилган таклифлар миллий суғурта бозорида суғурта мукофотларининг 176 %га ошиб 1635,2 млрд. сўмга етишида ўз хиссасини кўшган);

такафул-суғуртани Ўзбекистонда жорий этиш имкониятлари тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 6-мартдаги №537 сонли маълумотномаси);

Врачлар касбий жавобгарлиги суғуртасини тижорат суғурта компаниялари ҳамда ЎСЖларда амалиётга жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган қоидалар ва ЎСЖлар ташкил этиш босқичида бирламчи фондни шакллантиришнинг пай-бадал усули “UZARO” икки томонлама суғурта

килиш матлубот жамияти ҳамда АЛСКОМ АЖ суғурта компанияси томонидан амалиётга жорий этилган (“UZARO” матлубот суғурта жамиятининг 2019 йил 12 мартдаги №01/05 сонли маълумотномаси, унга кўра 10 млн. сўмдан ортиқ даромад ҳамда 5 млн. сўмга яқин суғурта фонди шакллантирилган), (“АЛСКОМ” АЖ суғурта компаниясининг 2019 йил 22 майдаги №03-818 сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро, 5 та Республика миқёсидаги ва 3 та Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Шунингдек, тадқиқотчи 2017 йил 12 апрелда Тошкент молия институтида “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг секциялар ишида, 2019 йил 26 февралда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Суғурта ташкилотларида молиявий натижаларни шакллантириш ва солиққа тортиш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий семинарда, 2019 йил 30 апрелда Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти ташкил этган “Ўзбекистон Республикасида ёнгина қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари”га бағишланган конференцияларда Ўзаро суғуртанинг тутган ўрни ва хусусиятларига бағишланган маърузалар билан иштирок этган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18та илмий иш, шу жумладан, 2та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12та мақола, жумладан 9та республикада ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишнинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 254 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Суғуртанинг муқобил шакли сифатида ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш методологияси ва ҳуқуқий асослари” деб номланган биринчи бобида дунё мамлакатларида ўзаро

суғуртанинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, мазкур жамиятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, ўзаро суғурта методологияси, Ўзбекистонда тижоратга асосланган суғурта хизматларининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар, ЎСЖларни Ўзбекистонда ташкил этишнинг зарурияти ҳамда ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Суғуртанинг илк пайдо бўлиши эрамыздан олдинги 2000инчи йилликларга бориб тақалиши ва суғуртанинг ушбу илк шакли илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра бугунги кундаги ўзаро суғурта шаклининг хусусиятларига мос келиши ва бу қадимда пайдо бўлган суғурта ўзаро суғурта экан деган хулоса қилишга асос бўлди.

Ўзаро суғуртанинг илк даврдан ҳозирга қадар босиб ўтган йўлини уч босқичга ажратиб, 1-босқич эрамыздан олдинги 2000 йилликдан XVIII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олиши ва бу даврда суғурта хизматларининг мақсади соф бир-бирига ёрдамга асосланганлиги, бу хайрия, диний, ҳамкасблар ўртасидаги жамиятлар бўлганлиги аниқланган. 2-босқич XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда ўзаро суғурта хизматларни самарали амалга оширган ва суғуртага кучли эҳтиёж бор жойлардагина тижорат суғуртаси амал қилганлиги аниқланган. 3-босқич XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирга қадар давом этаётган бўлиб, бу босқич суғурталанувчи гуруҳларнинг корпоратив манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзаро суғуртанинг миллий чегараларининг бузилиб халқаро даражадаги фаолиятининг ривожланиши билан характерланиши аниқланган.

1-жадвал

Дунёнинг ўнта йирик халқаро суғурта бозорларида ўзаро суғуртанинг хиссаси⁶ (2015 й.)

Суғурта бозоридаги умумий ҳажми бўйича ранжинг	Мамлакат номи	Жами суғурта мукофотларида ўзаро суғуртанинг улуши
1	АҚШ	37,7
2	Япония	39,1
3	Хитой	0,2
4	Англия	8,5
5	Франция	49,7
6	Германия	47,0
7	Италия	22,1
8	Ж.Корея	10,1
9	Канада	18,2

Бугунги кунга келиб ўзаро суғурта халқаро даражага кўтарилганлиги ва барча саноати ривожланган мамлакатларда муҳим ўринга эгаллиги, ушбу жамиятлар тўплаган суғурта мукофотлари дунёнинг йирик халқаро суғурта бозорларида 18 фоиздан салкам 50 фоизгачани ташкил этаётганлиги маълумотлар билан асослаб берилган (1-жадвалга қаранг).

⁶ Хорин А.Н., Бровкин А.В. Креативная экономика//том 12, №10, 2018 с.1721

Халқаро бозорлардаги ўзаро суғурта хизматларининг асосий қисми АҚШ, Япония, Франция ва Германия бозорлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2-жадвал

Дунё бўйича бир йилда тўплаган суғурта мукофоти бўйича энг йирик ўнталикка кирувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари⁷ (2015 йил)
(млн. АҚШ доллари бирлигида)

Ўрни	Номи	Мамлакат	Активлари	Суғурта мукофоти
1	Kaiser Permanente	АҚШ	67,306	67,444
2	State Farm	АҚШ	236,936	64,819
3	Zenkyoren	Япония	451,072	49,720
4	Nippon Life	Япония	518,550	44,428
5	Nationwide	АҚШ	188,188	35,338
6	Liberty Mutual	АҚШ	86,475	32,454
7	Credit Agricole Assurances	Франция	345,048	30,369
8	Meiji Yasuda Life	Япония	303,630	28,374
9	New York Life	АҚШ	287,757	27,122
10	Achmea	Нидерландия	103,099	22,105

Кооперативлар ва ўзаро суғурталаш жамиятлари халқаро федерацияси (International Cooperative and Mutual Insurance Federation - ICMIF) маълумотларига кўра, тўплаган суғурта мукофотлари ва активлар бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари энг йирик ўнталиги юқоридаги ҳолатга эга бўлган (2-жадвалга қаранг). Жадвалда келтирилган энг катта активга эга ЎСЖлар Япониянинг Nippon Life ҳамда Zenkyoren ўзаро суғурталаш жамиятлари бўлиб, энг йирик ўнта суғурта ташкилотининг тенг ярми, яъни бештаси АҚШга тегишли.

3-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси⁸ (млрд.сўм)

Йиллар	ЯИМ (млрд.сўм)	Суғурта мукофотлари	ЯИМда суғурта мукофотлари улуши, % да	Ўсиш ёки камайиш, % да
2013	120861,5	338,5	0,28	+0,02
2014	145846,4	439,1	0,30	+0,02
2015	171808,3	551,5	0,32	+0,02
2016	199325,1	692,6	0,35	+0,03
2017	249100,1	927,5	0,37	+0,02
2018	407500,0	1635,2	0,40	+0,03

Диссертацияда Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Унга кўра, мамлакатимизда тижорат суғуртасига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, қонунчилик такомиллаштирилган ва соҳа ривожини кўзда тутувчи турли имтиёзлар тақдим этилган бўлсада, ривожланиш орқада қолаётганлиги бир нечта кўрсаткичлар орқали асослаб

⁷ www.icmif.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

⁸ MF.UZ STAT.UZ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

берилган. Булар сифатида ЯИМда суғурта мукофотлари ҳиссаси кўрсаткичи Ўзбекистонда 15-17 йилдан бери деярли ўзгармасдан, бугунги кунда 0.40 фоизни ташкил этганлиги кўрсатиб берилган (3-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Дунё мамлакатларида тўпланаётган суғурта мукофотларининг мазкур мамлакат ЯИМдаги ҳиссаси⁹ (2015 й.)

Мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида суғурта мукофотлари улуши					
Нидерландия	12.99	Белгия	8.12	Венгрия	2.44
Корея республ.	12.12	Германия	6.74	Колумбия	2.43
Япония	11.44	Словения	5.46	Греция	2.36
Англия	11.27	Ҳиндистон	3.96	Болгария	2.01
Финландия	10.35	Польша	3.82	Украина	1.82
Швецария	9.57	Чехия	3.72	Туркия	1.37
Дания	9.45	Бразилия	3.65	Россия	1.33
Франция	8.92	Хитой	2.96	Белоруссия	0.94
Ирландия	8.49	Словакия	2.70	Саудия Араб.	0.75
АҚШ	8.18	Хорватия	2.69	Қозоғистон	0.71
Жами бўйича ўртача					5.42

Таққослаш мақсадида мазкур кўрсаткич дунёнинг 30 та мамлакатида қай даражада эканлиги жадвал асосида кўрсатиб берилган. Унга кўра энг юқори кўрсаткич Нидерландияга тегишли бўлиб, у 13 фоизга яқинни ташкил этган. Ушбу мамлакатлар ичида энг паст кўрсаткич Қозоғистонга тегишли бўлиб, бу кўрсаткични мамлакатимизнинг 2015 йилдаги ушбу кўрсаткичи билан таққосланганда икки ярим баравар, 2018 йил билан таққосланганда салкам икки баравар юқори бўлиб, 0,71 фоизни ташкил этган. (4-жадвалга қаранг)

5-жадвал

Ўзбекистонда тўпланаётган суғурта мукофотларининг аҳоли сонига нисбати кўрсаткичлари¹⁰

Йиллар	Аҳоли сони (млн. киши)	Суғурта мукофотлари (млрд. сўм)	Бир кишига тўғри келадиган суғурта мукофоти (сўм)	Ўсиш ёки камайиш (сўм)
2013	29993,5	338,5	11286	
2014	30492,8	439,1	14400	+3114
2015	31022,5	515,7	16623	+2223
2016	31575,3	692,6	21935	+5312
2017	32120,5	927,5	28876	+6941
2018	32717,9	1635,2	49979	+21103

Киши бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти кўрсаткичи суғуртанинг қай даражада оммавийлашганлигини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, ушбу кўрсаткич мамлакатимизда сўнги йилларда ўсган бўлсада (5-

⁹ Страховое дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон

¹⁰ MF.UZ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

жадвалга қаранг), дунё мамлакатлари билан таққосланганда (6-жадвалга қаранг) катта фарқ мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Дунёдаги 36 та давлат ўртасида киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари кўрсаткичи аниқланган бўлиб, ушбу давлатлар ичида энг юқори кўрсаткич Швецарияда ва энг паст кўрсаткич Белоруссия давлатида эканлиги аниқланган. Белоруссиядаги кўрсаткич ҳам мамлакатимиздаги ушбу кўрсаткичдан ўн беш баравардан юқори эканлиги аниқланган.

6-жадвал

Дунё мамлакатларида киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари¹¹ (2012 йил ҳолати (АҚШ дол.))

Мамлакатларда киши бошига тўғри келган суғурта мукофотлари							
Швецария	7522	АҚШ	4047	Жан. Корея	2785	ЖАР	1081
Нидерландия	5985	Ирландия	4011	Австрия	2478	Словакия	480
Дания	5304	Австралия	3922	Италия	2349	Россия	182
Япония	5168	Швеция	3896	Я.Зеландия	1557	Туркия	146
Люксембург	5079	Тайван	3759	Испания	1505	Болгария	140
Финландия	4771	Франция	3544	Исроил	1464	Эрон	108
Гонгконг	4544	Канада	3534	БАА	1278	Қозоғистон	87
Норвегия	4488	Сингапур	3362	Словения	1248	Украина	68
Англия	4350	Германия	2804	Кипр	1179	Белоруссия	55
Жамига нисбатан ўртача							2695

Мамлакатда суғурта хизматлари ривожланиш даражасини белгиловчи юқорида келтирилган кўрсаткичларга асосланиб, Ўзбекистонда ҳозирги суғурта хизматлари сезиларли даражада паст деган хулоса чиқарилган.

Суғурталанувчиларда суғурта хизматларига бўлган ишончни таъминлашнинг муҳим омили суғурта мукофотларида суғурта қопламалари улуши даражасининг юқорилиги ҳисобланади.

7-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида тўлаб берилаётган суғурта қопламалари ва уларнинг суғурта мукофотларига нисбати¹² (млрд.сўм)

Йиллар	Суғурта мукофоти	Суғурта қопламаси	Мукофотга нисбатан қоплама, %	Ҳаёт суғуртасидан ташқари суғурта қопламалари, %	Жамига нисбатан ўсиш ёки камайиш, %
2013	338,5	66,9	19,76	18,4	+3,00
2014	439,1	74,6	16,99	15,2	-2,77
2015	515,7	99,8	19,35	17,2	+2,36
2016	692,6	130,5	18,84	15,1	-0,51
2017	927,5	270,0	29,11	24,3	+10,27
2018	1635,2	461,4	28,21	16,2	-0,9

7-жадвал маълумотларига кўра, компаниялар томонидан тўлаб берилган

¹¹ Страховое дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон

¹² MF.UZ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

копламалар ҳажми йиллар давомида паст даражада сақланиб келмоқда. 2017 йилда ушбу кўрсаткич жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни ҳисобга олмаганда (чунки моҳиятан бу тўловлар суғурта коплмаси эмас) жами суғурта мукофотининг 24,3 %ни, 2018 йилда эса янада пасайиб, 16,2%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич Россияда 2016 йилда 43,2 фоизни, ривожланган мамлакатларда эса 70-80 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон суғурта бозорининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бозорнинг ҳудудлар бўйича бир текис тақсимланмаганлигида. Чунки барча суғурта компаниялари Тошкент шаҳрида ташкил этилган бўлиб, уларнинг Бош офислари ҳам Тошкент шаҳрида жойлашганлиги хизматларнинг 50%дан ортиғи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келишига шароит яратиб бермоқда (8-жадвалга қаранг). Ушбу камчиликни ўзаро суғурта воситасида бартараф этиш мумкинлиги, чунки ЎСЖни кичик ҳудудда, нисбатан кам сондаги иштирокчилар билан ташкил этилган шароитда ҳам барқарор фаолият кўрсатиши мумкинлиги аниқланган.

8-жадвал

Суғурта мукофотларининг республика ҳудудлари бўйича тақсимланиши¹³, %

Ҳудудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Тошкент ш.	58	52,1	53,7	54,8	52,2	55,6	52
Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлар	42	47,9	46,3	45,2	47,8	44,4	48
Жами:	100	100	100	100	100	100	100

Маълумки, қишлоқ хўжалиги барча соҳалар ичида хавф-хатар даражаси юқори соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳани сифатли суғурта хизматлари билан таъминлаш унинг бир маромда ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Аммо мамлакатда қишлоқ хўжалиги суғуртаси сезиларли даражада орқада қолмоқда. Фермер хўжалиklarининг асосий қисми умуман суғурта хизматлари билан таъминланмаган. 2017 йилда қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича тузилган шартномалар сони 53658 та бўлиб, 2016 йилга нисбатан камайиш юз берган (10-жадвал). Мамлакатда эса 160 мингга яқин фермер хўжалиklари ва бундан бир неча баравар кўп сондаги деҳқон ва шахсий хўжалиklar мавжуд. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан ягона суғурта компанияси шуғулланади, яъни рақобат муҳити яратилмаган.

9-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, кўпгина суғурта турлари бўйича кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан пасайиш юз берган. Давом этаётган инфляция даражасини ҳисобга олганда, мазкур пасайишнинг кўламидан янада юқори эканлигини таъкидлаш мумкин.

10-жадвал маълумотларига эътибор қаратганимизда, кўпгина суғурта турлари бўйича тузилган суғурта шартномалари сонидан ҳам камайиш юз

¹³MF.UZ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

берганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалиги суғуртасининг янада орқада қолаётганлигини тасдиқлайди.

9-жадвал

“Ўзагросуғурта” акционерлик суғурта компаниясининг суғурта турлари бўйича тўплаган суғурта мукофотлари¹⁴ (млн. сўмда)

Суғурта турлари	2013й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	9672,3	13263,4	18862,7	45609,3	37041,3
Аҳоли суғуртаси, ш.ж.	33357,8	36556,0	39306,8	42859,8	46102,3
Бошқа юридик шахслар суғуртаси	17721,1	33369,3	51337,6	53891,1	50689,8
Жами:	60751,2	83188,7	109507,1	142360,1	133833,5

Дунё мамлакатларида таклиф этилаётган суғурта турлари 2000 дан ортиқ бўлиб, мамлакатимизда уларнинг сони расмий маълумотларга кўра 105 та¹⁵ ва шундан фақат 50 тага яқини амалда қўлланилмоқда. Тадбиркорлик рискларининг катта қисми суғурта хизматлари билан таъминланмаган, жавобгарлик суғуртасининг ихтиёрий турлари деярли амалда йўқ, касбий жавобгарликнинг мажбурий турлари тўлиқ ишламаяпти.

10-жадвал

“Ўзагросуғурта” акционерлик суғурта компаниясининг суғурта турлари бўйича тузган суғурта шартномалари¹⁶ (дона)

Суғурта турлари	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	25429	28291	33960	58048	53658
Аҳоли суғуртаси	4119717	3896271	3684366	3365973	3167338
Бошқа юридик шахслар суғуртаси	89882	91144	94173	101038	116633
Жами:	4235028	4015706	3812499	3525059	3337629

Миллий суғурта бозори талаб даражасида ривожланмаётганига сабаб бўлаётган ҳолатлар сифатида яна қуйидагилар келтирилган:

- ўзаро суғуртанинг амалда мавжуд эмаслиги, яъни мукамал суғурта бозорининг яратилмаганлиги;
- суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;
- суғурта шартномаларининг бир томон манфаатини кўзлаган ҳолда тузилиши натижасида қопламалар ҳажмининг камлиги;
- суғурта ташкилотларига бўлган ишончнинг паст даражаси;
- соғлом ва кучли рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги;
- суғурта хизматлари концентрациясининг юқорилиги;
- ривожланган мамлакатлар суғурта бозорлари билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- маркетинг ва реклама фаолиятининг ривожланмаганлиги;

¹⁴ “Ўзагросуғурта” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

¹⁵ Ўзбекистон Рес. Президентининг 2019 й. 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориги 2-илова

¹⁶ “Ўзагросуғурта” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

-малакали кадрларнинг етишмаслиги ва бошқалар.

Диссертацияда ўзаро суғуртанинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва хусусиятларини ўрганган ҳолда, ўзаро суғуртага қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: *ўзаро суғурта юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, ҳаёти, соғлиги ва бошқа мулкӣ манфаатларига етиши мумкин бўлган зарарларни, ихтиёрийлик асосида аъзоларнинг маблағларини бирлаштирган ҳолда ўзаро ёрдамга асосланган жамият тузиш орқали қоплаш демакдир.*

Ўзаро суғурта бўйича амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан асосий фарқли жиҳатлари сифатида қуйидагилар аниқланган:

- ўзаро суғуртанинг нотижорат хусусиятга эгаллиги;
- суғурта фондини бошқариш бўйича барча аъзоларнинг тенглиги;
- жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ва суғурталанувчи, яъни олинган суғурта жавобгарликлари бўйича барча аъзолар масъуллиги;
- аъзолар таркибининг профессионал ёки мулкӣ жиҳатдан бир хиллиги;
- инвестицион даромаддан барча аъзоларнинг манфаатдорлиги.

Ўзаро суғуртани ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири суғуртавий манфаатларнинг умумийлигидир. Бу умумийликни жадвал орқали қуйидагича тасвирланган (11-жадвалга қаранг).

11-жадвал

Ўзаро суғуртада суғуртавий манфаатларнинг умумийлик белгилари¹⁷

Умумийлик соҳалари	Умумийлик иштирокчилари
Касбий белгилар	тиббий, нотариал, аудиторлик, риелторлик, фермерлик фаолияти ва ҳоказолар
Тармоқ белгилари	саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказо
Худудий белгилар	худудий, худудлараро, миллий, трансмиллий
Таваккалчилик белгилари	ёнғин, табиат ҳодисалари, иқтисодий хавф, кўчмас мулк билан боғлиқ хавф, ҳаёт фаолияти билан боғлиқ хавфлар

Жисмоний шахсларни ўзида бирлаштирган ЎСЖларда касбий белгилар муҳим ўрин тутди. Тармоқ белгилари юридик шахсларни ўзида бирлаштирган ЎСЖлар учун муҳим ҳисобланади. Худудий белгилар ЎСЖнинг ривожланганлик даражаси, молиявий имконияти ва бошқа омиллардан келиб чиқади. Риск белгилари ЎСЖнинг ихтисослашув хусусиятига боғлиқ.

Ўзаро суғуртанинг зарурлиги яна шунда кўринадики, бу суғуртада реал суғурта ҳимояси амалга ошади, суғурта фонди аниқ мақсад йўлида ишлатилади. Ўзаро суғурта тижоратга асосланган суғуртанинг муқобили ҳисобланади. Икки суғурта шаклининг бир вақтнинг ўзида бир миллий, худудий ёки халқаро суғурта бозорида амал қилиши бир бутун суғурта бозорининг шаклланишига олиб келади. Ўзаро суғуртанинг фаолият

¹⁷ Илмий тадқиқотлар асосидаги муаллиф ишланмаси

кўрсатиши бозорда соғлом рақобатни юзага келтиради ва шу билан бирга тижоратга асосланган суғуртанинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Тижоратга асосланган суғурта компаниялари ўзларининг молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш ва фаолият майдонини кенгайтириш учун, иш юритиш харажатларини камайтиришга, инвестицион даромадни кўпайтиришга ва тежалган маблағ ҳамда олинган даромадни тариф ставкаларини пасайтиришдан ҳосил бўладиган зарарни қоплашга сарфлашга, эгилувчан нархларни қўллашга, суғурталанувчиларни компания фойдасида иштирок этишга жалб қилишга ҳаракат қилади. Натижада бозорда сунъий равишда оширилмаган, ҳақиқий нархлар амал қилади.

Иккала суғурта шакли ҳам бирдай ривожланган мамлакатларда суғурта компанияларида иш юритиш харажатлари 10-15 фоизни ташкил қилади. Ўзаро суғурта яхши ривожланмаган Россияда ушбу харажатлар 30-35 фоизни, ўзаро суғурта деярли мавжуд бўлмаган бизнинг мамлакатимизда эса ушбу харажатлар ундан ҳам юқорини ташки этмоқда. Иккала суғурта шакли ҳам бирдай ривожланган мамлакатларда тўлаб берилаётган суғурта қопламалари 70-90 фоизни ташкил этмоқда. Россияда ушбу кўрсаткич 40-45 фоизни, бизнинг мамлакатимизда эса атиги 17-20 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзаро суғурта ва тижоратга асосланган суғурта ўртасида фақатгина рақобат эмас, балки ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ҳам юзага келади. Бу чет мамлакатлар тажрибасини ўрганишдан олинган хулоса ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик асосан қайта суғуртада ўз аксини топади. Бундан ташқари, ўзаро суғурта кўпроқ мослашувчан суғурта инструменти бўлганлигидан келиб чиқиб, янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва синашда тажриба майдони ролини ҳам ўтайди. Янги суғурта маҳсулотлари ўзаро суғурта жамиятларида самарали қўлланилгандан кейин уларни тижорат суғурта ташкилотлари ҳам қўллай бошлайдилар.

Ўзаро суғурта мамлакатимизда энди шаклланаётган, янги соҳа бўлганлиги учун, бу соҳада малакали кадрлар етишмаслиги муаммоси юзага келади. Бу борада ҳам тижорат суғурта компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, кадрларни ЎСЖга вақтинчалик ёки доимий ишлашга жалб қилиш мумкин. Ўзаро суғурта билан тижорат суғуртасининг умумий асоси битта эканлиги ушбу кадрларнинг ўзаро суғуртани тезда ўзлаштиришларига имкон беради. ЎСЖ ходимларининг тижорат суғурта компанияларида малака оширишларини йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради.

Ўзаро суғуртани амалга киритиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳуқуқий таъминоти мукамал яратилиши муҳим ўрин тутаети. Мамлакатимизда ўзаро суғуртанинг ҳуқуқий таъминоти сифатида фуқаролик кодексининг 960-моддаси амал қилмоқда. Мазкур модда “Икки томонлама суғурта” деб номланган. Аммо ўзаро суғуртага олимлар томонидан берилган таърифлардан ҳамда унинг моҳиятидан келиб чиққанда ўзаро суғурта тушунчасига мос келади. Шунинг учун ҳам ушбу суғурта шаклини Россия Федерациясида “Взаимное страхование”, бундай жамиятларни эса “Общество взаимного страхования” деб аталади. Инглиз

тилида сўзлашувчи мамлакатларда эса (масалан АКШ, Англия) "Mutual insurance company" деб юритилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда диссертацияда Фуқаролик кодекси 52-бобининг 960-моддасини "Ўзаро суғурта" деб номлаш ва шу йўналишда ташкил этилган жамиятни "Ўзаро суғурталаш жамияти" деб аташ таклиф этилган. Шу билан бирга, мазкур моддада ўзаро суғурта жамиятлари ўз аъзоларининг соғлиғи ва ҳаёти билан боғлиқ хатарларни суғурталаш кўзда тутилмаганлиги ўзаро суғуртанинг ривожланмай қолишига сабаб бўлиши келтирилган бўлиб, ушбу ҳолатни Россия Федерацияси мисолида асослаб берилган. Шу муносабат билан Фуқаролик кодексининг 960-моддасига шахсий суғуртани амалга оширишни кўзда тутувчи ўзгартириш киритиш таклиф этилган ва унинг янги таҳрири ишлаб чиқилган.

Мамлақатимизда амал қилаётган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида, фақатгина лицензияга эга бўлган тижорат суғурта ташкилотини суғурталовчи деб эътироф этилган. Бу ҳолат фуқаролик кодексидаги 960-моддани инкор этади. Шу муносабат билан Қонуннинг 6-моддасига ўзаро суғурта тўғрисида тушунча киритиш таклиф этилган.

Биргина фуқаролик кодексининг 960-моддаси ЎСЖлар ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш учун етарли эмас. Чет мамлакатлар тажрибасида ўзаро суғурта фаолиятини амалга ошириш учун махсус қонунлар амал қилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда мамлақатимизда "Ўзаро суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш таклиф этилган ва ушбу қонунда кўзда тутилиши муҳим ҳисобланган ҳолатлар ишлаб чиқилган.

"Ўзаро суғурталаш жамиятларида суғурта ишини ташкил этиш ва амалга ошириш йўналишлари" деб номланган 2-бобда ЎСЖларни ташкил этиш ҳамда давлат томонидан тартибга солиш бўйича чет мамлакатлар тажрибалари, ЎСЖларда суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва суғурта ишини ташкил этиш масалалари, суғуртанинг хавф-хатар ва огоҳлантириш

12-жадвал

Дунёдаги энг йирик 500 та ўзаро суғурта йўналишидаги ташкилотларнинг ташкилий шакллари¹⁸ (2015 йил ҳолати)

Ташкилот тури	Сони	Сонига нисбатан улуши, %	Суғурта мукофоти (млн.\$)	Суғурта мукофотидаги улуши, %
ЎСЖлар	376	75,2	833,217	72,4
Кооперативлар	62	12,4	229,531	19,9
Аралаш шакл	16	3,2	57,786	5,0
Дўстлик жамиятлари	14	2,8	15,945	1,4
R&I Club	13	2,6	4,308	0,4
Такафул-компаниялар	5	1,0	1,713	0,1
Бошқа ташкилотлар	14	2,8	9,147	0,8
Жами:	500	100	1 151,647	100

функциясини қўллаш масалалари чет мамлакатлар мисолида ўрганилган,

¹⁸ www.icmif.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

тадқиқ этилган ва шу асосда таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, огоҳлантириш суғуртанинг функцияси бўлгани ҳолда мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан бунга эътибор қаратилмаётганлиги асосланган бўлиб, огоҳлантириш тадбирларини мазкур компаниялар томонидан йирик суғурта объектлари бўйича тизимли йўлга қўйиш таклифи берилган.

12-жадвалда дунё мамлакатларида амал қилаётган йирик ЎСЖларни ташкилий шакллари алоҳида келтирилган бўлиб, бунда соф ЎСЖлар сон жиҳатидан ва суғурта мукофотлари бўйича бозордаги улушига кўра ҳам асосий мавқега эга. Иккинчи ўринни кооператив шаклидаги ЎСЖлар эгаллаган.

13-жадвал

Дунёдаги энг йирик 500 та ЎСЖ ва кооперативларнинг дунё минтақалари бўйлаб жойлашуви¹⁹ (2014-2015 йиллар)

Минтақа	ЎСЖ ва кооперативлар сони	Суғурта мукофотлари (млн.\$), 2015 й.	Суғурта мукофотлари (млн.\$), 2014 й.	2014 й.га нис. 2015 й. да ўсиш ёки камайиш
Шим. Америка	219(11*)	511,692	488,322	+4.8%
Европа	207(70*)	434,840	432,669	+0.5%
Осиё ва Океан.	59(15*)	198,758	196,322	+1.2%
Лот. Америкаси	9(7*)	5,243	4,208	+24,6%
Африка	6(5*)	1,114	973	+14.5%

*ICMIFга аъзолар сони

13-жадвал маълумотларидан йирик ЎСЖларнинг асосий қисми Шимолий Америка ва Европада жойлашганлигини, ушбу кўрсаткич бўйича Осиё ва Океания мамлакатлари учинчи ўринда эканлигини кўриш мумкин.

14-жадвал

Европада ўзаро суғурта бозори²⁰ (2015 й.)

Кўрсаткичлар	Ҳаёт суғуртаси		Ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари	
Суғурта мукофотлари	190 млрд.евро		235 млрд.евро	
Ўзаро суғурта улуши	44,8%		55,2%	
Суғурта турлари ва уларнинг улуши	Ҳаёт суғуртаси	34,3%	Соғлиқ суғуртаси	45,1%
	Инвестиция ва жамғармалар	33,6%	Автосуғурта	24,4%
	Пенсия ва аннуитетлар	27,7%	Жавобгарлик суғуртаси	12,2%
	Меҳнат қобилиятсизлиги ва соғлиқ суғуртаси	0,6%	Мулкий ва ёнғиндан суғурта	11,3%
	Бошқалар	3,8%	Бошқалар	7,0%
	Жами	100%	Жами	100%

2007 йилдан 2015 йилга қадар бўлган ораликда Европа ўзаро суғурта бозорлари юқори даражада ўсиб, 2015 йилда тўпланган суғурта мукофотлари

¹⁹ www.icmif.org сайти маълумотлари

²⁰ “Market InSights: Europe 2015” маълумотлари асосида тайёрланди

425 млрд. еврони ташкил этган ва унинг 55,2 фоизи ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турларига тўғри келган. Европада ўзаро суғуртанинг ҳаёт, инвестиция ва жамғармалар, пенсия ва аннуитетлар, соғлиқ ва автомобил суғурта турлари асосий ҳажми ташкил этади (14-жадвалга қаранг). Хорижий суғурта бозорларида ЎСЖлар фаолияти давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Булар:

- лицензиялаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- тўловга қобилликни таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар.

Лицензиялашга қўйилган талабларнинг ҳам асосий қисми тўловга қобилликни таъминлашга қаратилган. Чунки тўловга қобиллик таъминлансагина суғурталанувчининг суғурта манфаатлари таъминланади ва ўз ўрнида суғурта ташкилотининг ҳам барқарорлигига эришилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларига кўра, ЎСЖлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг қуйидаги моделларини келтириш мумкин:

1) тартибга солишнинг консерватив модели (ЎСЖнинг барча тафсилотларини характерлайди ва унинг умумий принципларини ишлаб чиқади ҳамда суғурта операцияларини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишни кўзда тутади).

2) тартибга солишнинг либерал модели (бунда ЎСЖлар ҳисоботлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига эътибор қаратилиб, суғурта операциялари, тарифлар, суғурта шартномалари ва бошқа қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга амал қилишда эркинлик беришга йўналтирилган).

Ҳозирда мамлакатларда қўлланилаётган тартибга солиш жараёнларини юқоридаги каби моделларга ажратиш мумкин бўлсада, халқаро тажрибалар бўйича ўзаро алмашув, суғурта муносабатларининг глобаллашуви миллий суғурта бозорларида тартибга солиш борасидаги ўзига хосликларнинг аста-секинлик билан йўқолиб бориши ва умумийлик сари бормоқда.

Ўзаро суғуртада суғурта маҳсулотларини яратиш ўзига хос жараён бўлиб, бу жараёнда барча аъзолар иштирок этиш ҳуқуқига эга ва бу ҳолат барча аъзолар талабига мос суғурта маҳсулоти яратилишига имкон беради.

Мантиқий ва тарихий бирлигига асосланган ҳолда, суғурта маҳсулотларини яратиш жараёнларини таҳлил қилиш натижасида шу нарса аниқландики, ушбу жараёнлар авваламбор, суғурталанувчиларнинг суғурта маҳсулотларини яратиш ва уларга эгалик қилишдаги ҳуқуқларини шакллантириш имкониятлари ва иштирок этиш усулларида фарқ қилади. Суғурта маҳсулотларини яратишда суғурталанувчиларнинг иштирок этиш имкониятлари ва усуллари суғурта маҳсулотларини яратиш усуллари аниқлаш мезонлари ҳисобланади. Суғурталанувчининг суғурта маҳсулотларини яратишда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлган суғурта шакллари: ўз-ўзини суғурталаш ва ўзаро суғурта шакллари ҳисобланади. Суғурталанувчининг суғурта маҳсулотларини яратишда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган суғурта шакли эса тижоратга асосланган суғуртадир.

Диссертацияда ЎСЖлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро

ташкilotлар ўрганилган. Бугунги кунда қуйидаги тўртта тармоқ халқаро ташкilotлари ўзаро суғуртани дунёга танитишда катта ўрин тутаяди:

-AISAM, “Association Internationale des sociétés Assurance Mutuelle” (International association of mutual insurance companies) – ўзаро суғурта жамиятларининг халқаро ассоциацияси. Ушбу ташкilot ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ҳамда ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи ЎСЖлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади;

-AIM, (Association of International Health Mutuals) – ушбу халқаро ташкilot соғлиқни суғурталашга ихтисослашган ЎСЖлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

-ICMIF (International Cooperative and Mutual Insurance Federation) – кооперативлар ва ЎСЖлар халқаро федерацияси. Асосан қишлоқ хўжалиги соҳаси манфаатларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

-International Group of P&I Clubs - P&I клублар халқаро гуруҳи. Ўзаро суғуртанинг денгиз клублари (P&I клублар) манфаатларини ҳимоя қилади.

Диссертацияда ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртага нисбатан афзалликлари асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

-ЎСЖда ўз аъзоларига таклиф этиладиган суғурта хизматларининг арзонлиги. Бу ЎСЖда фойда олишнинг кўзда тутилмаганлиги, воситачилар хизматидан фойдаланмаслиги (мамлакатимизда белгиланган тартибга кўра суғурта воситачиларига 25% гача миқдорда воситачилик ҳақи тўланади), ҳамда бошқа ташкилий, маъмурий, иш юритиш харажатларининг камлиги (харажатлар кам бўлишидан барча аъзолар манфаатдор);

-ЎСЖ томонидан ташкил этилган суғурта фонди, суғурта ҳодисалари кўп содир бўлиши туфайли етмай қолганда, аъзоларнинг қўшимча бадал тўлашлари ҳисобига зарар қопланиши жамият қоидаларида белгиланади ва бу қопламаларнинг тўланиши бўйича ишончни таъминлайди;

-оммавий хусусиятга эга бўлмаган, аммо мазкур ЎСЖ аъзоларига ҳос таваккалчиликларни турли чекловларсиз суғурталаш имконияти мавжудлиги;

-инвестиция фаолиятдан олинган даромадда барча аъзолар манфаатдорлигининг таъминланиши;

-нисбатан кичик ҳудудда ҳам барқарор фаолиятни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;

-суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда барча аъзоларнинг иштирок этиш имкониятининг мавжудлиги. Бу барча аъзолар талабига тўлиқ жавоб берадиган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш имконини беради;

-бир тармоқ миқёсида ташкил этилган ЎСЖларда огоҳлантириш тадбирларини тизимли амалга ошириш ҳисобига суғурта ҳодисаларини камайитириш имкониятининг мавжудлиги. Бундай имконият баъзи йилларда суғурта ҳодисасининг умуман юз бермаслигига олиб келади;

-ЎСЖ кўрсатаётган суғурта хизматларининг ишончлилиги. ЎСЖнинг ишончлилиги барча масалаларни ҳал этишда аъзоларнинг иштироки ва шунинг эвазига маълумотлар шаффофлиги билан таъминланади;

-ЎСЖ аъзоларида жамиятни биргаликда бошқариш ҳуқуқининг

мажудлиги. Чунки улар бир вақтнинг ўзида суғурталанувчи, ҳамда суғурталовчидир.

Ўзаро суғуртанинг иқтисодий мундарижаси ва ўзига хослиги уни ташкил қилиш принципларида кўринади. **Диссертацияда ўзаро суғуртани ташкил қилишнинг қуйидаги принциплари таклиф этилган:**

-ЎСЖ аъзолари суғуртавий (мулкый) манфаатларининг умумийлиги (бир хиллиги);

-ЎСЖга аъзо бўлишнинг ихтиёрийлиги;

-кириш ва аъзолик бадалларини тўлашнинг мажбурийлиги;

-аъзолик бадали ва бошқа тўловлар қийматидан қатъий назар, барча аъзолар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги;

-ҳар бир аъзонинг қўшимча бадални тўлашдаги бир хил субсидиар жавобгарлиги;

-аъзолик бадалини тўлаш имконияти вақтинчалик йўқолган ҳолат уни аъзоликдан чиқаришга сабаб бўлмаслиги;

-жамиятни бошқаришнинг демократик хусусияти;

-жамият фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг барча аъзолар учун очиқлиги.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда маълум йўналишда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида, аҳолининг турли қатламлари ўртасида, маълум касб эгалари ўртасида ташаббускорлик асосида **мамлакатимизда қуйидаги ташкилотлар қошида ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш таклиф этилган:**

- йирик суғурта компаниялари томонидан ЎСЖ шаклидаги шўъба корхоналарни ташкил этиш;

- Савдо-саноат палатаси қошида, вилоятларда ўз филиалига эга бўлган, тадбиркорларни ўзида бирлаштирган ЎСЖлар ташкил этиш;

- “Ватанпарвар” жамияти қошида енгил автомобил эгалари ўртасида ихтиёрий автомобил суғуртасини амалга оширувчи ЎСЖлар ташкил этиш;

- Нуруний жамғармаси қошида, вилоятларда ўз филиалларига эга бўлган, нафақа ёшидагиларни ўзида бирлаштирган, бахтсиз ҳодисалар ва ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи ЎСЖ ташкил этиш;

- Маҳалла жамғармаси қошида, вилоятларда ўз филиалига эга бўлган, оилаларни ўзида бирлаштирган, мулкый ва шахсий суғуртани амалга оширувчи ЎСЖлар ташкил этиш (бунда аъзолик бадали оиладагилар сонидан келиб чиқиб белгиланади).

Диссертацияда ўзаро суғурта суғурталанувчининг турли кўринишдаги рискларини суғурталашни амалга ошириши ва унинг шартлари тижорат суғурта ташкилотлариникидан фарқ қилиши ушбу хилма-хилликларни тартибга солиш ва ўзаро суғуртанинг ўзаро бир-бирига боғлиқ тизимини ташкил этиш, шу асосда унинг аниқ ҳолатини очиб бериш учун мазкур тармоқни классификациялаш зарурлиги асосланган.

Умумий белгилардан келиб чиққан ҳолда ўзаро суғурталаш жамиятларини турлари бўйича қуйидагича классификациялаш таклиф

этилган:

1. Фаолият майдонидан келиб чиқиб, ЎСЖлар куйидагиларга бўлинган: Халқаро, ўз филиаллари орқали дунёнинг бир нечта мамлакатларида фаолият олиб борувчи ЎСЖлар; минтақавий, бир минтақада жойлашган, бир нечта ўзаро яқин мамлакатда фаолият олиб борувчи ЎСЖлар; миллий, бир мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи ЎСЖлар; худудий, бир мамлакатнинг маълум худудида фаолият олиб борувчи ЎСЖлар; маҳаллий, бир шаҳар ёки туман миқёсида фаолият олиб борувчи ЎСЖлар.

2. Ташкилий-хуқуқий шакли бўйича ЎСЖлар нотижорат ҳамкорлик ва истеъмолчи иттифоқларига бўлинади.

3. Кўрсатиладиган суғурта хизмат турларига қараб ЎСЖлар ҳаёт ва умумий суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатувчи жамиятларга бўлинади.

4. Қайта суғурта ҳимоясининг мавжудлиги бўйича ЎСЖлар куйидагиларга бўлинади:

-миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган, тижоратга асосланган суғурта компанияларида қайта суғурталанган ЎСЖлар;

-чет эл суғурта компанияларида қайта суғурталанган ЎСЖлар;

-ЎСЖларнинг уюшмаларида қайта суғурталанган ЎСЖлар;

-қайта суғурта ҳимоясига эга бўлмаган ЎСЖлар.

5. Тўланадиган аъзолик бадалининг туридан келиб чиқиб ЎСЖлар қатъий белгиланган аъзолик бадали тўланадиган жамиятлар ва кўшимча бадал тўлаш кўзда тутилган жамиятларга бўлинади.

6. Аъзоларнинг таркиби ва сонидан келиб чиқиб ЎСЖлар жисмоний шахсларни ўзида бирлаштирган жамиятлар ва юридик шахслар ҳамда хусусий тадбиркорларни ўзида бирлаштирган жамиятларга бўлинади.

7. Филиаллар мавжудлигидан келиб чиқиб ЎСЖлар филиаллари мавжуд бўлган жамиятлар ва филиаллари мавжуд бўлмаган жамиятларга бўлинади.

Диссертацияда мамлакатимизда ташкил этиладиган ЎСЖларда огоҳлантириш тадбирларига эътибор қаратиш таъсис ва бошқа ҳужжатларда белгиланиши, қонунчиликда эса “огоҳлантириш ва олдини олиш” захирасини ташкил этиш ва уни мажбурий заҳира сифатида белгилаш таклиф этилган.

Диссертацияда суғурталанувчиларга бонуслар тақдим этиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ЎСЖга зарар келтирмасдан фаолият кўрсатаётган аъзоларга аъзолик бадалларини тўлашда босқичма-босқич енгилликлар бериб боришни назарда тутувчи бонуслар бериб бориш, яъни биринчи йил зарарсиз ишлаган аъзо учун аъзолик бадалини тўлашда 20 % чегирма қўллаш, иккинчи йил ҳам зарарсиз ишлаган аъзога 40 % чегирма қўллаш, учинчи йил ҳам зарарсиз ишлаган аъзога 60 % чегирма қўллаш, тўртинчи йил ҳам зарарсиз ишлаган аъзога 80 % чегирма қўллаш ва ниҳоят бешинчи йил ҳам зарарсиз ишлаган аъзони аъзолик бадалини тўлашдан озод этиш тартибларини қўллаш аъзоларда жамиятга зарар келтирмасдан ишлашдан манфаатдорлик ҳиссини ҳосил қилади ва уларни зарарсиз ишлаш учун ҳаракат қилишга ундайди.

“Ўзаро суғурталаш жамиятларида молиявий ресурсларнинг

шаклланиши, харажатлари ва ресурсларни жойлаштириш механизмлари” деб номланган учинчи бобда ўзаро суғуртанинг ташкилий-хуқуқий шакллари ва уларни Ўзбекистонда ташкил этиш ҳамда давлат томонидан тартибга солиш, ЎСЖлар молиявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда кишлоқ хўжалиги суғуртасида ўзаро суғуртани жорий этиш ва унинг афзалликлари атрофлича чет мамлакатлар тажрибалари асосида тадқиқ этилиб, шу асосда зарур хулоса ва таклифлар берилган.

Диссертацияда ўзаро суғуртанинг бир нечта ташкилий-хуқуқий шакллари таклиф этилган бўлиб, булар сифатида ЎСЖ, суғурта кооперативи, суғуртанинг мажбурий шакллари амалга оширишга йўналтирилган ўзаро суғурта, ўзаро суғурта холдинг компанияси, акционерлик шўъба корхонасига эга бўлган ЎСЖ каби шакллари тадқиқ этилган, уларнинг хусусиятлари очиб берилган ва ўзаро суғурта қонунчилигини такомиллаштиришда шундай ЎСЖ шакллари ташкил этиш имкониятини яратиш зарурлиги таклиф этилган.

Диссертацияда Россия ўзаро суғурта қонунчилиги кенг ўрганилган бўлиб, ушбу мамлакат қонунчилигига танқидий муносабат билдирилган. Диссертантнинг фикрига кўра, мазкур қонунчилик кўп сондаги чекловларни назарда тутганлиги ўзаро суғуртанинг мамлакатда талаб даражасида ривожланмай қолаётганлигига сабаб бўлмоқда. Бундай чекловлар сифатида ЎСЖларга ҳаёт суғуртаси билан шуғулланишнинг чекланганлиги, лицензиялашнинг қатъий белгиланганлиги, абзолар сони минимал ва максимал чегараларининг белгиланганлиги, битта ЎСЖ фақат битта риск турини суғурталаши мумкинлиги каби чекловлар келтирилган.

Диссертацияда ЎСЖларнинг молиявий жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бунда асосан молиявий барқарорлик масалаларига эътибор қаратилган.

Молиявий барқарорлик кўпгина шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлиб, уларни ташқи ва ички шарт-шароитларга ажратилган. Бундай ташқи ва ички омилларни расм орқали қуйидагича тасвирланган (3-расмга қаранг).

Молиявий барқарорлик меъзонлари			
Ички меъзонлар		Ташқи меъзонлар	
Риск-менежмент	Капитал	Иқтисодий	Сиёсий
Молиявий менежмент	Суғурта захиралари	Ижтимоий	Экологик
Тариф сиёсати	Активлар сифати	Информацион	Коммуникатив
Кадрлар менежменти	Қайта суғурта	Суғуртавий	Маркетинг

3-расм. Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминловчи меъзонлар²¹

²¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Суғуртанинг иккала шаклида ҳам моддий кўринишдаги суғурта фондини ташкил этиш талаб этилади ва бу суғурталанувчиларнинг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу фондни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш суғуртанинг иккала шаклида ҳам бир хил эмас. Тижорат суғуртасида суғурта фонди муассисларнинг маблағлари (устав капитали), акционерларнинг маблағлари ҳамда ҳар қандай потенциал суғурталанувчи билан тузилган суғурта шартномаси асосида тўланган суғурта бадали ҳисобидан шакллантирилади. ЎСЖда эса суғурта фонди вақтинчалик жалб этилган маблағлар (пай-бадал) ҳамда аъзоларнинг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Ушбу маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ўзаро суғуртада юқори бўлади, чунки ушбу самарадорликдан манфаатдорлик барча аъзоларда мавжуд.

Бугунги кунда кўплаб дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги суғуртасида ЎСЖлар фаолияти муҳим ҳисобланади. Диссертация ишида чет мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги суғуртасига ихтисослашган ЎСЖлар фаолияти кенгроқ ўрганилган. Бу борада диссертацияда дунё мамлакатларидан Канада, Германия, АҚШ ва қолаверса кўшни мамлакат Қозоғистон тажрибасидан фойдаланиш зарур деган хулосага берилган.

Дунё миқёсида бошоқли дон экинлари етиштириш бўйича етакчи мамлакат ҳисобланган Канадада икки юз йилдан кўп вақт олдин фермерлар бирлашмалари фаолият кўрсатиб бошлаган бўлиб, улар ўз фаолиятини “neighbor helps neighbor”, яъни “қўшни қўшнига ёрдам беради” принципига асосланиб ташкил этганлар. Ушбу бирлашмалар ЎСЖ шаклида ташкил этилган бўлиб, улар асосан ёнғиндан ва қишлоқ хўжалиги хатарларидан суғурталашни амалга оширади.

Канадада ўзаро суғурта фаолияти уч даражада амал қилиб келмоқда. Бошқарувнинг биринчи даражаси локал ЎСЖлар фаолиятидан иборат бўлиб, ушбу ЎСЖлар қишлоқ хўжалик техникалари ва жиҳозлари суғуртаси, кўчмас мулк суғуртаси, фермер хўжаликлари экинлари ҳосилдорлиги ва бошқа маҳсулотлари суғуртаси, чорва моллари суғуртаси, фойдани йўқотишдан суғурталаш, жавобгарлик суғуртаси, шу жумладан атроф муҳитнинг ифлосланишидан суғурталаш каби суғурта турларини кичикроқ ҳудудларда амалга ошириб келишади. Бошқарувнинг иккинчи даражаси ЎСЖлар ассоциациялари фаолиятидан иборат бўлиб, локал ЎСЖлар мазкур ассоциацияларнинг аъзоси ҳисобланади. Бошқарувнинг учинчи даражаси эса ассоциациялар иттифоқидан иборат.

Қозоғистонда қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан қирқдан ортиқ суғурта ташкилоти шуғулланиб, сон жиҳатидан олиб қараганда буларнинг ичида ЎСЖлар асосий қисми ташкил қилади. Ушбу мамлакатда 2004 йилга келиб қишлоқ хўжалиги ўсимликлари мажбурий суғуртаси тўғрисида қонуннинг янғитдан қабул қилиниши ва унинг давоми сифатида 2006 йилда ўзаро суғурта тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши натижасида экин майдонларининг 78,3 фоизини суғурталашга эришилган.

Юқоридаги мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзаро суғурта

механизмини фаол қўллаш Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги суғуртасини самарали йўлга қўйиш ва кенгайтириш имконини беради.

Диссертацияда чет мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда қишлоқ хўжалигини суғурталашга ихтисослашган ЎСЖларнинг **ташкилий-иқтисодий моделини** қуйидагича ташкил этиш таклиф этилган:

-ЎСЖларнинг географик жойлашуви, яъни ЎСЖ аъзолари бир ҳудудда жойлашган бўлиш;

-бир туманда кўпи билан битта ЎСЖ ташкил этиш. Бу ЎСЖ аъзоларининг сони етарли бўлишини, молиявий барқарорлик ҳамда огоҳлантириш тадбирларини тизимли амалга ошириш имконини беради. Бундай ЎСЖ аъзолари кўп ҳолларда ўзаро таниш бўлганликлари туфайли ўзаро ишонч юқори даражада бўлади;

-ЎСЖларда сайлаш принципига асосан ишни ташкил этиш. Яъни аъзолар сонидан келиб чиқиб, уч ёки тўрт кишидан иборат бошқарув аппарати, уч кишидан иборат кузатув кенгаши (ревизия комиссияси) умумий йиғилишда аъзолар ичидан сайлаб олинади. Маблағларни жойлаштириш (инвестиция) бўлими (1 киши), огоҳлантириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида бўлим (3-4 киши) ташкил этилади, даъволарни кўриб чиқиш бўлими (2 киши) ҳамда бухгалтерия (1 киши) бўлимлари бошқарув аппарати томонидан шакллантирилади. Ушбу бўлимларга жамиятга аъзо бўлмаган мутахассислар жалб этилиши мумкин;

-ЎСЖ аъзоларининг бир марта кириш бадали ва ҳар йили аъзолик бадали тўлаб бориши. Кириш ва аъзолик бадалининг қиймати умумий йиғилишда аъзонинг ер майдонидан келиб чиқиб белгиланади. Агар аъзолик бадалининг 50 фоиз қисмини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан тўлаб бериш йўлга қўйилса фермерларни ЎСЖга қамраб олиш даражаси юқори бўлади;

-Республикада ташкил этилган қишлоқ хўжалик ЎСЖлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг манфаатларини давлат олдида ҳимоя қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, актуар хизматлар кўрсатиш ҳамда қайта суғурта хизматларини ташкил этиш мақсадида Республика марказида қишлоқ хўжалиги ЎСЖларининг Уюшмаси ҳамда вилоятлар марказларида унинг бўлимларини ташкил этиш. Молия вазирлиги қошидаги суғурта назорати давлат инспекцияси ЎСЖлар фаолиятини мазкур Уюшма орқали назорат қилади. Уюшма ўз аъзолигидаги ЎСЖлар фаолиятининг конун талабларига жавоб бериши бўйича жавобгар ҳисобланади;

-ЎСЖлар молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Уюшма ташкилотчилигида, ушбу Уюшмага аъзо бўлиш шарти билан қайта суғурта фаолиятини амалга оширувчи ЎСЖ ташкил этиш. Ушбу ЎСЖнинг аъзолигига Уюшмага аъзо бўлган барча ЎСЖлар қабул қилинади;

-Уюшма таркибида актуар хизматлар кўрсатувчи бўлим ташкил этиш. Ушбу бўлимда иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2 ёки 3 кишидан иборат малака сертификатига эга бўлган актуарийлар фаолият кўрсатади;

-Уюшма раиси ва унинг ўринбосарини барча ЎСЖлар раҳбарларининг умумий йиғилишида овоз бериш йўли билан сайлаш. Уюшма низоми ва

ташкилий тузилмаси мазкур йиғилишда тасдиқланади. Уюшмада методология бўлими, ички аудит бўлими, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш департаменти, юридик бўлим ҳамда бухгалтерия ташкил этилади. Актуар хизматлар ҳамда ички аудит хизматлари ЎСЖларга бепул амалга оширилади. ЎСЖлар фаолиятининг қонунчилик талабларига жавоб бериши ҳамда молиявий барқарорлигининг таъминланганлиги бўйича суғурта назорати давлат инспекцияси олдида Уюшма жавобгарлигидан келиб чиққан ҳолда барча ЎСЖлар Уюшмага молиявий ҳисоботлар топширадилар;

-қайта суғуртага ихтисослашган ЎСЖга, унга аъзо бўлган ЎСЖлар фақат бир марта кириш бадалини тўлаш тартибини белгилаш. Кейинги фаолият ушбу ЎСЖ ва аъзо ЎСЖлар ўртасида қайта суғурта шартномасини тузиш орқали қайта суғурта мукофоти тўлаш ҳисобига амалга оширилади.

Нотижорат шаклида ташкил этиладиган ЎСЖларда одатда устав капитали шакллантирилмайди. Шунинг учун ЎСЖни ташкил этишнинг бошланғич босқичида аъзолар сони етарли даражада кўп сонда бўлмаслиги ва натижада капитал етишмовчилиги муаммоси юзага келиши мумкин. **Диссертацияда ушбу муаммони ҳал этишнинг қуйидаги йўллари таклиф этилган:**

-қарз маблағларини жалб қилиш. Албатта бунинг учун ЎСЖларга имтиёзли қарз маблағларини тақдим этишни давлат қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Қарз маблағларини тўлаш даврида ЎСЖ ўз аъзоларига суғурта қопламаларини 60-70 фоиз ҳажмда тўлаш тартибини жорий қилиши унинг қарз маблағларини қийинчиликсиз тўлаб боришига имконият яратиб беради;

-пайчилар иштироки. Пайчилар ЎСЖ аъзоларидан ҳамда аъзо бўлмаган суғурталанувчилардан бўлиши мумкин. Улар ўз маблағлари билан ЎСЖнинг бошланғич фаолиятини таъминловчи капитални шакллантиришда ҳисса қўшадилар ва қўшилган маблағ ҳисобидан суғурталаниш билан бир вақтнинг ўзида фоиз кўринишидаги даромадни оладилар. Бундай тажриба Чор россияси даврида ташкил этилган ЎСЖларда самарали қўлланилган.²²

“Ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари такомиллаштириш” деб номланган тўртинчи бобда қайта суғурта орқали ЎСЖлар фаолиятини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касалликлардан суғурталашда ўзаро суғурта принципларини қўллаш, ҳамда ўзаро суғурта усулларининг модификацияси сифатида такафул-суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари тадқиқ этилган, чет мамлакатлар тажрибалари таҳлил қилинган ва шу асосда таклифлар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобда миллий ва глобал қайта суғурта бозорларининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган ва мамлакатимизда ЎСЖлар ташкил этилган ҳолатда улар фаолиятини қайта суғурталовчи ўзаро қайта суғурталаш жамиятларини ташкил этишнинг қуйидаги принциплари таклиф этилган:

²² Акимочкин Д.В. Некоторые правовые вопросы взаимного страхования // Страхование право.-2005.-№1-с.19.

-Ўзбекистон шароитида бир тармоқда битта ўзаро қайта суғурта жамиятини ташкил этиш;

-ўзаро суғурта фаолияти қонунчилигини ишлаб чиқишда албатта қайта суғурта фаолиятига таллуқли моддаларни киритиш.

Тадбиркорлик соҳалари ривожланиб бораётган бугунги кунда бахтсиз ҳодисалар ва касалликдан суғурталаш ушбу соҳадаги ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларни ушбу суғурта тури бўйича суғурталаш мамлакатимизда орқада қолаётганлиги ва уни талаб даражасига келтиришда ўзаро суғуртадан фойдаланиш таклиф этилган ва унинг афзаллик жиҳатлари очиб берилган. Шу билан бирга иқтисодиётнинг йирик тармоқларида кептив суғуртага асосланган ўзаро суғурта тизимларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, мазкур тармоққа хос рисклардан суғурталаш бўйича ташкил этиш таклиф этилган ва унинг хусусиятлари очиб берилган.

Жавобгарлик суғуртасининг ихтиёрий турлари Ўзбекистон миллий суғурта бозорида деярли қўлланилмаётганлиги, аммо кўпгина касб эгаларида жавобгарлик рискининг ортиб бораётганлиги (масалан врачларнинг ўз миқдорлари олдидаги жавобгарлиги) ушбу суғурта турларини тижорат суғурта ташкилотлари томонидан таклиф қилиш ва шундай касб эгалари ўртасида ЎСЖлар ташкил этиш зарур деган хулоса диссертант томонидан шакллантирилган бўлиб, шу мақсадда диссертант томонидан, тижорат суғурта ташкилотлари ва ЎСЖлар учун алоҳида врачлар касбий жавобгарлигини суғурта қилиш қоидалари ишлаб чиқилган.

Диссертацияда **такафул-суғурта**, яъни исломий суғуртанинг дунё мамлакатларидаги ҳолати тадқиқ этилган ва унинг моҳияти очиб берилган.

Ислом ҳуқуқшунослари ўртасида тижорат суғуртасининг шарият қоидаларига тўғри келиш ёки келмаслиги тўғрисида мунозаралар бўлиб келган ва улар томонидан қилинган хулосаларга кўра ўзаро суғурта ўз хусусиятларига кўра ислом ҳуқуқшунослари ўртасида эътирозларга сабаб бўлмаган. Натижада ушбу суғурта шаклини қўллашга рухсат этилган²³ ва ҳатто махсус фатво билан қўллаб-қувватланган.

Тижорат суғуртасига нисбатан ислом ҳуқуқи томонидан таъқиқ қўйилишига ушбу шартномаларда қуръон томонидан таъқиқланган қуйидаги элементларнинг мавжудлиги сабаб бўлган:

гарар (арабчадан ноаниқлик ёки мавҳумлик); майсир (араб тилидан хумор (азарт)); риба (араб тилидан судхўрлик).

Такафул ёки ислом суғуртаси – бу ўзаро ёрдам (таавун) принципига асосланган ва ихтиёрий бадаллар (табарру) ҳисобидан ташкил этиладиган, ихтиёрийлик асосида бирлашган иштирокчиларнинг таваккалчиликлар бўйича жавобгарликларни ўртада тақсимлашни кўзда тутувчи тизимдир. Такафул суғурта араб тилидан таржима қилинганда “ўзаро кафолатни тақдим этиш” деган маънони билдиради.²⁴

²³ Хартумда (Судан) 1978 йилда Ислом конференцияси ташкилоти таркибида ўзаро суғурта бўйича институт ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси рухсат этилган суғурта турларини тартибга солишдан иборат

²⁴ Engku Rabian Adawiah Engku Ali, Hassan Skott P.Odierno, Essential Guide to Takaful (Islamic Insurance). //CERT Publication Sdn. Bhd. – Kuala Lumpur, Malaysia.2008.

Дунё миқёсида ислом суғуртасининг ўсиши йиллик 15-20 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич тижоратга асосланган суғуртадан анчагина юқоридир. ХХ-асрнинг сўнгги йилларида Европа мамлакатлари ва Американинг баъзи суғурта ташкилотлари ҳам мижозларга такафул-суғурта маҳсулотларини таклиф қила бошладилар.

Сўнгги йилларда дунё бўйича тўпланаётган суғурта мукофотларининг 0,1 фоизи такафул-суғурта ҳиссасига тўғри келмоқда.²⁵ Маълумотларга кўра 2015 йилда такафул-суғурта хизматларининг ўсиши 14 фоизни ташкил этиб, такафул-компаниялар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми 14,9 млрд. АҚШ доллорини ташкил этган.²⁶

Такафул-суғурта кенг ривожланган мамлакатлар куйидаги жадвалда келтирилган бўлиб (15-жадвалга қаранг), булар ичида Саудия Арабистони ушбу суғурта шаклини кенг қўлламоқда.

15-жадвал

Такафул-суғуртада улуши юқори бўлган дунё мамлакатлари²⁷ (2014 й.)

Форс кўрфази мамлакатлари	Саудия Арабистони	БАА	Қатар	Баҳрайн	Қувайт
	77%	15%	4%	2%	2%
	6809 млн.\$	1314 млн.\$	384 млн.\$	208 млн.\$	155 млн.\$
Атлантика-Тинч океани мамлакатлари	Малайзия	Индонезия	Бошқалар		
	71%	23%	6%		
	3024 млн.\$	964 млн.\$	254 млн.\$		
Дунё бўйича	Саудия Арабистони	Атлантика-Тинч океани мамлакат-ри	Форс кўрфази мамлакатлари (Саудиядан ташқари)	Африка	ЛЕВАНТ ва Жанубий Осиё
	48%	30%	15%	3%	4%(2%+2%)

Такафул-суғурта бир қанча аъзоларнинг ташаббуси билан ташкил этилади ва уни бошқариш учун шартнома асосида четдан мутахассислар жалб қилинади. Жамиятни бошқарувчилар унинг аъзоси ҳисобланмайди ва шу билан бирга жамият олган мажбуриятлар бўйича уларга жавобгарлик юкланмайди. Аъзолар томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан суғурта фонди (табарру) ва мудараба ёки вакала фонди, яъни иккита фонд ташкил этилади. Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта фонди (табарру) ҳисобидан зарар қопланади, зарар кўрмаганларга мудараба ёки вакала фонди ҳамда инвестицион даромадлар ҳисобидан тўловлар амалга оширилади. Яъни

²⁵ The Word Takaful Report 2014 (электрон ресурс) URL: <https://uaelaws.files.wordpress.com/2012/.../the>

²⁶ The way forward for Takaful Spotlight on growth, investment and regulation in key markets (электрон ресурс).

Кириш йўли: www2deloitte.com/.../fsi_insurance_Takaful_20

²⁷ Адамчук Н.Г. Современные тенденции развития страхования в мусульманских странах// Страхование дело, М.: 2015 г. Август.

аъзолар бир йил давомида такафул-операторлардан албатта суғурта қопламаси ёки рағбатлантириш пулларини оладилар. Ушбу икки хусусият такафул-суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолисининг асосий қисми мусулмон динига мансуб мамлакатимизда такафул-суғуртани жорий қилиш, суғурта шакллариининг турли-туманлигини таъминлаши ва ушбу суғурта воситасида ихтиёрий суғурта ҳажмининг ортишига олиб келади. Ушбу суғуртага ўзаро суғуртанинг бир кўриниши сифатида қараганимизда ўзаро суғуртанинг ривожланишига олиб келади дея хулоса қилиш мумкин. Мамлакатимизда такафул-суғуртани ҳаж ва умра зиёратига борувчилар ва диний ташкилотлар ходимлари ўртасида ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хулоса

Диссертация тадқиқотини амалга ошириш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзаро суғуртани назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда ва дунё олимларининг ўзаро суғуртага берган таърифларини таҳлил қилган ҳолда ўзаро суғуртага муаллифлик таърифи шакллантирилди.

2. Ўзаро суғурта суғуртанинг қадимги ва илк шакли бўлиб, туб моҳияти унинг ўзаро ёрдамга асосланганлигида. Бугунги кунда ушбу суғурта шакли дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида тижорат суғуртаси билан баравар қўлланилмоқда ва ҳатто бир неча йўналишларда етакчилик қилмоқда.

3. Ўзаро суғурта турли кўринишдаги корпоратив рискларни, тадбиркорлик таваккалчиликлари билан боғлиқ рискларни, ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ ҳолатларни суғурталашда ишончли ҳамда арзон хизмат туридир.

4. Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ҳозирги ҳолатига кўра, деярли барча кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар ва кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан орқада қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишнинг муҳим омили, мамлакатда ўзаро суғуртани жорий этишдир.

5. Ўз-ўзини суғурталашда суғурта маҳсулоти суғурталанувчи эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзи томонидан яратилсада, бунда зарарни қоплаш имконияти чегараланган ҳамда суғурталанувчининг тадбиркорлик фаолиятидаги молиявий имкониятини чегаралаб қўяди. Тижорат суғурта ташкилотида суғурта маҳсулоти суғурталовчи томонидан яратилиши туфайли суғурталанувчи эҳтиёжлари тўлиқ ҳисобга олинмайди ҳамда ташкилий ва бошқа харажатларнинг кўплиги суғурта маҳсулоти нархининг қимматлашувига олиб келади.

6. Ўзаро суғурта ўз-ўзини суғурталаш ва тижоратга асосланган суғурта шаклларида фарқ қилувчи, суғурта маҳсулотларини яратиш ҳамда суғурта хизматларини кўрсатишнинг алоҳида, ҳар жиҳатдан қулай, арзон ва ишончли усулидир.

7. Потенциал суғурталанувчилар ўз хоҳишлари билан шундай ўзаро суғурта жамиятига бирлашадиларки, аслида бу жамиятнинг эгалари уларнинг ўзлари ҳисобланади. Улар бу жамиятни фойда олиш учун эмас, балки ўзларининг мулклари ёки мулкрий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этадилар.

8. Ўзаро суғуртада суғурталанувчи суғурта мукофотини тўлаш билан фақатгина зарарни қоплаш ҳуқуқини эмас, балки суғурталанган рискни камайтиришни кўзда тутувчи суғурталовчи хизматларини ҳам сотиб олади. Молиявий муносабатлар нуқтаи-назаридан, хавф-хатар ва огоҳлантириш функциялари суғурталовчи (суғурталанувчи) учун бир хил кучга эга ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

9. Огоҳлантириш тадбирлари захирасини ЎСЖ учун бундай номлаш ушбу захиранинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Ушбу захирани “огоҳлантириш ва олдини олиш тадбирлари захираси” деб аташ ва шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу захира фаолият майдонини суғурта ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларини ҳам амалга ошириш билан кенгайтириш янада катта самара беради.

10. Ўзаро суғурта тижорат суғуртасининг рақобатчиси ва шу билан бирга ҳамкори сифатида суғурта бозорининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

11. Ўзаро суғуртани иқтисодиётнинг турли тармоқларида кептив суғурта шаклида қўллаш, мазкур соҳага ҳар жиҳатдан ихтисослашган суғурта жамиятининг шаклланишига, суғурта фондини дастлабки шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда, ҳамда огоҳлантириш тадбирларини самарали қўллашда кенг имконият яратилади.

12. Ўзаро суғуртани кичик ҳудудда ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги мамлакатдаги мавжуд суғурта ташкилотларининг юқори концентрациялашуви билан боғлиқ муаммони ҳал этиш имконини беради.

13. Суғуртада огоҳлантириш ва олдини олиш тадбирларини тизимли йўлга қўйиш суғурта ҳодисаларининг камайишига олиб келади. Ушбу тадбирларни тижорат суғурта ташкилотларида йирик суғурта объектлари бўйича, ўзаро суғуртада эса барча алоҳида тармоқлар бўйича ташкил этилган ЎСЖларда йўлга қўйиш мумкин.

14. Ўзаро суғурта жамиятларида мулкрий ва жавобгарлик суғурта турлари билан биргаликда, шахсий, шу жумладан ҳаёт суғуртаси, ҳамда тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси билан шуғулланишлари ўзаро суғуртанинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

15. Такафул – бу ўзаро суғурта шаклининг модификациясидир. Бу модификациянинг ўзига хос хусусияти ўзаро суғурта принципларининг маблағларни ишончли бошқарувга бериш принципи билан ўзаро боғлиқлигида. Такафул-суғурта жамиятлари дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда. ушбу суғуртани Ўзбекистонда жорий этиш мамлакат аҳолисига ҳар жиҳатдан маъқул келади ва суғурта хизматларининг турли-туманлигини ва суғурта ташкилотлари ўртасидаги ўзаро рақобатни таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ
ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

КУЛДАШЕВ КАМАРИДДИН МАНСУРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
ВЗАИМНОГО СТРАХОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

08.00.07 - Финансы, денежное обращение и кредит

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за _____

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узб., русс.,анг., (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tfi.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты: **Жумаев Нодир Хосиятович**
доктор экономических наук, профессор

Хайдаров Низомиддин Хамраевич
доктор экономических наук, профессор

Хамидулин Михаил Борисович
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 года в _____ часов на заседании научного совета № 27.06.2017.І.17.01. по защите диссертаций на соискание ученой степени доктора экономических наук при Ташкентском финансовом институте по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. Тел. (99871) 234-53-34, факс (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером _____). Адрес: 10000, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 60А, тел. (99871) 234-53-34, факс (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

Автореферат диссертации разослан " ____ " 2019 года.
(протокол реестра № _____ от « ____ » 2019 года)

Б.Э.Тошмуродова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
экономических наук, доцент

С.У.Мехмонов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
экономических наук, профессор

Ж.И.Каримкулов
Председатель научногосеминара при
научном совете ученых степеней,
кандидат экономических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Страховая деятельность отличается последствиями бизнес-рисков, рисками, возникающими в международной торговле, туризме и других процессах, обеспечением стабильности в социальной жизни, созданием значительных источников привлечения инвестиций в экономику и снижением инвестиционных рисков. Передовые страховые рынки зарубежных стран являются частью международного страхового рынка. В то же время она является одной из ведущих экономик зарубежных стран, и ее доля составляет 8-12% ВВП. Согласно многим информационным и статистическим данным, в развитых странах страховой отрасли существуют альтернативные виды страхования. Страховой сектор является одной из базовых систем экономики на современном уровне. Для достижения этого уровня важно применять в практике два основных форм страхования. Это коммерческое и взаимное страхования. Взаимное страхование предоставляет широкий спектр страховых услуг в развитых и во многих развивающихся странах мира. В настоящее время в мире действует 500 крупных обществ взаимного страхования (ОВС). Из них 219 проводит свою деятельность в североамериканских странах, 207 в Европе, 59 в Азии и Океании, 9 в Латинской Америке и 6 в Африке. Вместе с тем, в последние годы во многих мусульманских странах, а также в американских и европейских странах значительно развивается модифицированная форма взаимного страхования – такафул-страхования (исламское страхование).

В условиях усиления процессов глобализации в мировом масштабе и присоединении нашего государства в этот процесс, продолжающейся модернизации экономики, приватизации государственного имущества и особенно при масштабном увеличении предпринимательской деятельности, в нашей стране растет потребность в страховых услугах. Это в свою очередь, требует развития страховой деятельности и рынка страхования, а также совершенствования правовых, организационных, экономических механизмов управления, внедрения новых форм страхования. Однако анализ показывает, что несмотря на многочисленные действия, принятие законы, указы и постановления, страховая отрасль в нашей стране не развивается на современном уровне. Риски многих потенциальных страхователей остаются не застрахованными. Страхование не стало основным фактором диверсификации экономики и экономического роста. Эта ситуация требует научного изучения и исследования этой области.

В Узбекистане предпринимаются положительные меры для развития деятельности страховых организаций, для занятия прочных позиций на международных страховых рынках в перспективе. Позитивные изменения во всех сферах экономической и политической жизни республики создают благоприятные условия для повышения роли страхового сектора, который является одной из составляющих финансово-экономической системы. Одной из основных задач Плана действий по пяти приоритетным направлениям

развития Узбекистана на 2017-2021 годы, принятого по инициативе Президента нашей страны, является «расширение спектра страховых, лизинговых и других финансовых услуг за счет внедрения новых видов и повышения их качества». Для этого первоочередной задачей является реализация мер, направленных на вывод страховой отрасли на новый этап развития. Одним из решений этой проблемы является формирование взаимного страхования, которое является особой формой страхования. Сегодня взаимное страхование поднялось на международный уровень. Трансграничное страхование играет важную роль во всех промышленно развитых странах. Страховые премии, собранные ОВС, составляют от 42% до 70% на основных мировых страховых рынках.

В некоторых направлениях (особенно в страховании жизни и пенсионном страховании) взаимное страхование преобладает во многих иностранных страховых рынках (особенно в Европе, Америке, Японии). На японском страховом рынке, на долю которого приходится более 20% мирового страхового рынка, 90% страхования жизни осуществляется обществами взаимного страхования.

